

Мамлакатимизда қонунлар устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада кенгроқ муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Айни пайтда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг муваффақиятли амалга оширилишида қонунларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётир. Ҳолбуки, юртимиз миқёсида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи муҳим ва сифатли қонунларни тайёрлаш, муҳокама этиш, қабул қилиш ва маъқуллаш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Табиийки, бу борада мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти катта. Негаки, ушбу ҳужжатлар юртимиз фуқароларининг моддий-маънавий турмуш фаровонлигини ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шахсни камолга етказиш, унинг меҳнати маҳсуллари бўлган моддий-маънавий бойликларни қадрлаш ҳамда муҳофаза қилишда ҳуқуқий асосларни яратади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг мана шу мақсадлар билан уйғунлиги ва муштарахлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Депутатлар томонидан қабул қилинган мазкур Қонун айтиш жоизки, давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиди ва қайта қурлади. Чунки халқ ҳўжалигида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар тураржойлари ва мулкларини ёнгин офатларидан муҳофаза этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу

боис ҳам "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ёнгининг олдини олишда ташкилотлар, хўжалик ва корхона жамоаларида бўлгани каби ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти ташкилотларида ҳам вазифа масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади. Чунки, мамлакатимизда кейинги пайтда рўй бераётган ёнгин ҳодисалари ва улар оқибатида халқ ҳўжалигига етказилаётган моддий, маънавий зарарлар ана шуни таъсир этмоқда.

Статистика маълумотларига қараганда, мамлакатимизда ҳар йили 15 мингтага яқин турли даражадаги ёнгин юз бериб, уларда ўнлаб кишилар ҳалок бўлар, минг нафарга яқини эса турли даражада тан жароҳати олар экан. Ачинарли томони, ёнгинларнинг 80 фоизи аҳоли тураржойларига тўғри келаётир. Биргина 2008 йилнинг ўзида "тилсиз ёв" оқибатида халқ ҳўжалигига етказилган моддий зарар миқдори 4 млрд. сўмга етган.

Бу рақамлар ҳар биримизни ҳўшёрликка, олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ундайди. Чунки со-

дир бўлаётган ёнгинларнинг аксарияти шунчаки табиий ҳодиса эмас, балки одамларнинг айби билан — эътиборсизлик, лоқайдлик ва эҳтиётсизлик ортидан юз бераётир. Масалан, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билмаслик,

Парламент ҳаёти

билган тақдирда ҳам, уларга амал қилмаслик натижасида минглаб оилалар ҳўжалигига катта зарар етмоқда.

Албатта, ёнгинларнинг олдини олиш ва ёнгин чиқиши мумкин бўлган омилларни бартараф этиш бўйича давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан бажарилаётган ишлар кўтилган натижаларни бермоқда. Масалан, бултур уларнинг сайёҳаракатлари билан 173 нафар кишининг ҳаёти сақлаб қолинди. Шунингдек, 149 та чорва молнинг ёнгинда нобуд бўлиши ҳамда 159 та техника ва 87 млрд. сўмликдан ортиқ қийматга эга бўлган бино, 52 млрд. сўмлик

моддий бойликнинг оловда куйиб қол бўлишининг олди олинди. Республика ИИВ Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати шу қунгача аҳоли яшаш жойларида, маданий-маиший тирмоқларда, саноат масканлари, жумладан, ўта муҳим ва тоифаланган масканлар, коммуникацияларда ёнгинга олиб келадиган ҳолатларни бартараф этиб, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосларида иш олиб боришди. Аф-

сида"ги Қонун эса худди ўша ҳаётий заруратнинг меваси бўлди.

Мазкур ҳужжат ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий асосларини белгилаш билан бирга, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида соҳага тааллуқли ягона умумий муносабатни тартибга солади. Уларда ёнгин хавфсизлиги учун жавобгарлик ҳиссини оширишга хизмат қилади. Бундан шу вақтгача ҳеч кимда ёнгин хавфсизлиги учун жавобгарлик ҳисси бўлмаган экан-да, деган тушунчага бормаслик керак. Аксинча, "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида ишлаб чиқилган. Ушбу ҳуқуқий мажмуада ҳар бир ташкилот, корхона, муассаса, қолаверса, ҳар бир шахснинг мамлакатимиз моддий ва маънавий бойликларини ёнгиндан муҳофаза этишдаги бурчи ва вазифалари ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб берилган. Айни пайтда у ёнгиннинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш Фақат давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг бевосита вазифаси эмас, балки барчанинг фуқаролик бурчи эканлигини кўрсатувчи ҳужжатдир.

Ўзи ва бошқаларни ҳўрмат қилган, одамлар меҳнати маҳсулини қадрлай билган фуқаро борки, ушбу Қонунда кўрсатилган моддаларда белги-ланган бурч ва мажбуриятларга бўйсунини, унинг амалиётда самарали қўлланишига ҳисса қўшиши шарт. Чунки "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳар бир кишининг кундалик ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Ф. ХАТАМОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.